

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 январь куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб, Зангиота туманидаги "Highway Logistics" логистика марказига ташриф буюрди.

Кўп тармоқли хизмат турларини ўзига жамлаган, замонавий қулайликлар яратилган марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Грузия каби давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилди.

Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёд ва ҳудуди 14,2 гектар бўлган марказда 350 иш ўрни яратилган. Унинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннага тенг.

Марказ ҳудудида божхона бўлими ташкил этилган. Бу ерда марказлашган маҳсулотлар омбори, божхона пости, банк, декларация тўлдириш, сертификатлаштириш ва кўриқдан ўтказиш бўлимлари, логистика хизматлари кўрсатиш, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, божхона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бу каби логистика марказларини ҳар бир вилоятда ташкил қилиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашда замонавий технологияларни қўллаш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди.

Шу эрининг ўзиде Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш, 2018-2019 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорвачилик, иссиқхона ҳўжалигини ташкил этиш, чарм-поябзал соҳасини ривожлантириш дастурлари тақдимоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Занги ота мажмуасини зиёрат қилди.

Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Курьон тиловат қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янгийўл шаҳридаги "Файзли" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Шу ерда Янгийўл шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси, шаҳардаги кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Янгийўл шаҳрида қарийб 87 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда 241 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилда Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 7 қаватли 12 та янги уй-жой қуриш, замонавий боғ, бозор, супермаркет, кўприк барпо этиш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалардан шаҳарда оқова сув тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш дастури, Қибрай ва Зангиота туманларида сув таъминотини яхшилаш, Чирчиқ шаҳрининг иссиқлик тизимини такомиллаштириш каби маълумотлар ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари "Файзли" маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори Анвар Тошевнинг хонадонида бўлди.

Бугунги кунда ушбу маҳаллада 4 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Шавкат Мирзиёев маҳалла аҳли билан мулоқот қилди.

Кейинги манзил Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўлди.

Шавкат Мирзиёев тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан танишди. Беморлар аҳоли, турмуш шароити билан қизиқди, мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари шифохонанинг кардиология бўлимида даволанаётган Зулайхо Алиева билан суҳбатлашди, унинг турмуш шароити, оиласидаги аҳвол билан қизиқди. Шу куннинг ўзиде Президентимиз топшириғига биноан З. Алиева пойтахти-миздаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига даволанишга юборилди. Шунингдек, ушбу оилга уч хонали янги уй ажратилди деган бўлди.

Янгийўл туманида 262 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман тиббиёт бирлашмасининг биринчи биноси 1912 йилда қурилган. Сўнгги биноси 1979 йилда фойдаланишга топширилган. Кейинги йилларда биноларда қисман таъмирлаш ишлари бажарилган. Бугунги кунга келиб шифо масканининг аксарият бинолари маънан эскирган. Тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражаси ҳам замон талабларига жавоб бермайди. Оддий ҳолатларда ҳам беморлар пойтахтдаги тиббиёт масканларига қатнаб, муолажа олишга мажбур бўлмоқда.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад одамларни рози қилиш, саломатлигини янада мустаҳкамлашдир, деди Президентимиз. Жойлардаги аҳвол билан танишаётганимиз, тиббиёт муассасаларидаги шароитларни ўрганаётганимиз келгуси ишларимизни тўғри йўлга солишда яхши самара беради.

Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудуди салкам 10 гектар. Давлатимиз раҳбари бу ерда яқин кела-

жақда 5 гектарда 20 дан ортик йўналишда хусусий, қолган қисмида давлат тиббиёт муассасалари ташкил этиш, уларни энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимиз Қуйи Чирчиқ туманидаги собиқ "Қаноп" заводи ҳудудида бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва агрегатларини кўздан кечирди, аграр соҳани ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида етиштирилаётган хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган барча жараёни ўз ичига олган кластерлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бундай чора-тадбирлар яхши натижа бермоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Бука туманларида ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик кластер лойиҳалари билан танишди. Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманида 2018-2020 йилларда пахта етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёни ўзига тўла жамлаган кластер лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 59 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб этилади, 600 дан ортик иш ўрни яратилади. Жорий йилда мамлакатимизда 60 дан зиёд ана шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Қуйи Чирчиқ туманида "Gold Agro Standart" масъулияти чекланган жамияти томонидан гўшт етиштиришга ихтисослашган қиймати 7 миллиард сўмлик чорвачилик фермаси ташкил этилмоқда. 2018 йилнинг тўртинчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган мазкур мажмуа аҳолига йилга 360 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб беради. Лойиҳа амалга оширилгач, 25 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Ғ. И. ИБРАГИМОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Фуломжон Иномович Ибрагимов Тошкент вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 январь

Парламент ҳаёти

2017 йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бутун кунда биронта ҳам ҳудудда соғлиқни сақлаш тизими аҳоли учун муносиб хизмат қиладиган даражада ташкил этилмаганини танқидий таҳлил қилиб, Қонунчилик палатаси ўз иш фаолиятида асосий эътиборни тизимдаги ана шу муҳим муаммоларни, айниқса, жойларда ҳал этишга қаратиши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатасида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича алоҳида қўмита ташкил этиб, унинг аъзолари асосан ҳудудларда фаолият кўрсатиши тақлифини билдирган эди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТУЗИЛДИ

Парламент қуйи палатасининг 4 январь куни бўлиб ўтган жорий йилдаги илк мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мажлисида соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, бирламчи тиббий-сани-

тария ёрдами кўрсатиш йўналишидаги ислоҳотларнинг ижроси самарадорлигини таъминлаш, ушбу соҳада жорий этилган депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратининг бугунги ҳолати ва унинг натижалари танқидий таҳлил этилиб, бу борадаги фаолиятни амалий ҳаракатлар билан такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Давоми 2-бетда. ➡

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригини ҳаммамиз ўзгача ҳаяжон билан тингладик. Давлатимиз раҳбари ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилишни фуқаролик бурчи, деб ҳисоблаган, ўзини шу юрт тақдирига дахлдор санаган ҳамюрт-тимиз борки, Юртбошимизнинг табрикдаги ҳар бир сўзини тафаккурдан ўтказиб, ўзига яраша ҳулюса қилгани баайни ҳақиқатдир.

Шу кунларда тахририятимизга фаол муштарийларимиз кўнғирок қилиб, Президентимизнинг табриги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашаётганининг боиси ҳам шунда. Биз улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этишга қарор қилдик.

Кўнғиллар бирлашди, йўллар бирлашди

Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида туғилганман. Тошкентда ўқидим, узоқ йиллар Ўзбекистон радиосида ишладим. Ойда, йилда бир ота юртимга бориб-келиш мен учун энг катта

муаммога айланганди. Йўлга чиқини ўйласам, симтўсиқлар, чегара, чегарачилар, божхона ходимлари бир-бир кўз олдимдан ўтарди.

Давоми 2-бетда. ➡

Икки халқни боғловчи ришта

Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳри ва Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон области маркази Чимкент шаҳри ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилди.

Хушхабар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлганида икки томонлама транспорт қатновлари самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам келишувга эришилган эди. Мана энди ана шу келишувдаги режалар рўёбга чиқмоқда. Таъкидлаш жоизки, қатор соҳаларда бўлгани каби, бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорлик ҳам икки қардош халқ ўртасидаги тарихий дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

Рабат

Маълумки, мустақиллик йилларида маҳалла институтининг давлат бошқарувидаги ролини янада кучайтириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

Бекобод шаҳрида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган ҳар бири 42 хонадондан иборат иккита етти қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Қарор ва ижро

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда барпо этилаётган арзон уй-жойлар ҳудудлар қиёфасини ўзгартириш билан бирга, эҳтиёманд ва ёш оилалар турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қиладигани алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги

ОЛИС МАНЗИЛЛАРГА ХОЛИС КЎМАКЧИ

Илгари маҳаллий давлат ҳоқимияти органларига таалуқли бўлган ўттиздан ортик вазиқалар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига киритилди. На-

тижада, маҳалла институти аҳолининг ҳудуд аҳамиятига молик масалаларини самарали ҳал этувчи бўлишига айланди.

Бугунги кунга келиб, маҳалла-

лар халқимизнинг чинакам маслакдоши ва кўмақдошига айланмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР – БАХТЛИ ҲАЁТ ҚЎРҒОНИ

миллиард сўмлик қуриш-монтаж ишлари бажарилди.

– Янги уйимизда бахтиёр ҳаёт кечириб учун барча шароит яратилган, – дейди Азиза Абдуллаева. – Барча хоналар замонавий дизайн асосида қурилган, табиғий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, иситиш тизими, хуллас, ҳамма нарса бор. Уйлар атрофида дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобил-

лар тураржойи ва чиқинди йиғиш пункти ҳам барпо этилган.

Айни пайтда ҳудудда аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш, кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш билан бирга, эҳтиёманд оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 18 август куни

Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида барча соҳаларда амалга оширилаётган ишлар қатори ҳудудда янги уй-жойлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратган ва мутасаддиларга тегишли топшириқлар берган эди. Ушбу вазиқалар ижросини таъминлаш мақсадида шаҳарда 2018 йилда яна ўн бешта ана шундай кўп қаватли уй-жой барпо этиш режалаштирилган.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА МУҲБИРИ.



ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР



Бекобод туманида агрологистика маркази ташкил этиш лойиҳасида мева-сабзавотларни музлатиш, қуритиш, қадоқлаш ва сақлаш кўзда тутилган. Умумий майдони 2,5 гектар бўлган марказ 2019 йилнинг учинчи чорагида ишга туширилади. Бунинг натижасида 200 нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Йилига 8,6 миллион долларлик маҳсулот Япония, Жанубий Корея ва Европа Иттифоқига экспорт қилинади.

лоқотлари чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ота-оналардан бўлган мурожаатларда умумтаълим мактабларида 10-11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўплаб таклифлар билдирилди.

2017/2018 ўқув йилидан мактабларда 10-синфлар ташкил қилингани муносабати билан касб-хунар коллежларининг бўш ётган биноларидан янада самарали фойдаланиш чоралари кўрилмақда.

Президентимизга Оққўрғон туманидаги собиқ касб-хунар коллежлари биносидан самарали фойдаланиш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, хунармандчилик тўғрисидаги таклифларни ташкил этиш билдирилди. Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежи биносидан ёшларни касбга тайёрлаш ва миграция маркази ташкил этиш, "Жамоатчилик маркази", "Оққўрғон савдо маркази" каби лойиҳалар ўрин олган.

Бўш турган объектларни сотишда очиқлик ва адолат тамойилларига амал қилиш зарур. Бунинг учун электрон савдоларни

йўлга қўйиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда туман марказини замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида қайта қуриш, эски бозорни янги жойга кўчириш ва ўрнида кўркам боғ барпо этиш, шаҳар Бош режаси лойиҳаси тақдироти бўлиб ўтди. Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан, уларни янада такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш лозимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, молиялаштириш манбасини кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш, ижтимоий шароитни яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ф. Ибрагимов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Ў.А.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ MASALALARI КЎМИТАСИ ТУЗИЛДИ

Хусусан, депутатлар янги тузиладиган кўмига аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан бевосита ҳудудларда фаолият юритиб, ҳақиқий депутатлик, парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширган ҳолда тиббиётни аҳолига яқинлаштириш борасида аниқ таклифлар тайёрлаб, уларнинг натижаларига эътибор қаратиши, бу борадаги қонун ижодкорлиги жараёнини фаоллаштириш билан бирга, соҳага доир қонунлар ижросини ўрганиши

лозимлигига алоҳида тўхталдилар. Мажлис якунида сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг таклифларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитасини тузиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди ҳамда янги кўмитанинг таркиби сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 25 октябрдаги "Республика қурилиш материаллари саноатини бошқарини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қурилиш материаллари саноати тузилмасини янада ривожлантириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш билан бирга соҳага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

РИВОЖЛАНИШ МАРРАСИ – ЭЪТИБОРНИНГ САМАРАСИ

Ангрен шаҳридаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Барака муҳандис фазз" хусусий корхонаси жамоаси тадбиркорларга яратилаётган ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришаётган тузилмалардан бири.

Бунёдкорлик ишларида фаол қатнашаётган мазкур корхонада мижозларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, замонавий технологияларга асосланган бир қатор янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, якунига етган йилда қурилиш объектларига етказиб берилган маҳсулот ҳажми 1,5 миллиард сўмдан ошди.

Мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, – дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиги Тўхтамиш Нисозов. – Ўтган йиллар давомида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ва ўз маблағимиз ҳисобидан корхонамизни қайта жиҳозладик, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тури ортиб, сифати яхшиланди. Айти пайтда республикамиз ҳудуд-

ларида барпо этилаётган уй-жойларга қурилиш ва темир-бетонли деворбоп плиталар, йўл қурилиши ва бошқа иншоотлар учун зарур бўладиган асос блоклар, йўл-тўсиқ бетонлари, тарновлар ҳамда ярим тайёр бетон маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз. Маҳсулотларимиз сифати, нисбатан арзонлиги харидорларга манзур бўлмоқда.

Дарҳақиқат, корхона маҳсулотларига талаб мавжуд. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, бу ерда ишлаб чиқарилаётган қурилиш

маси маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини таъминлайди.

Айти пайтда "Барака муҳандис фазз"да меҳнат қилаётган 24 нафар ишчининг қарийб ярмини касб-хунар коллежини битирган ёшлар ташкил этади. Улар "уста-шоғирд" аънасини асосида ўз тажрибаларини бойитмоқда.

Корхона жамоасининг янги – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида режалари катта. Мижозларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан



материаллари ўзининг сифати билан ажралиб турса, иккинчидан, корхонада юқори малакали мутахассислар меҳнат қилади. Учуниндан, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технология янгиликлари изчилик билан жорий этиб борилаёпти. Буларнинг ҳам-

ҳолда тайёрланаётган қурилиш материаллари ҳамма ва турини янада кўпайтириш, харидор-боллигини таъминлаш, янги лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш шулار жумласидандир.

Юлдуз ИСАЕВА, Хамидулла УБАДУЛЛАЕВ олган сурат.

ПИСКЕНТДА ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

Ёдингизда бўлса, бундан бир муддат олдин Пискент туманида "Ўсмаёт Ота" жоме масжидининг янги биносига биринчи гишт қўйилгани ҳақида хабар қилган эдик. Янги йилнинг илк куналарида мазкур эзгулик масканининг бутунлай қайтадан қурилиб, кўркам ва салобатли қиёфа касб этган биноси фойдаланишга топширилди.

Тўхфа

Масжид биносидан назорат учун барча шароитлар мужассам этилган бўлиб, келгусида кўпфункционал, музей ташкил этиш ва автотураргоҳ

қуриш режалаштирилган. Масжид бир вақтининг ўзиде 250-300 кишини сифира олади.

Масжиднинг фойдаланишга топшириш маро-

симиде сўз олган Ўзбекистон Муслмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ва бошқалар йилгиланларни мазкур қувончли воқеа билан кутлар эканлар, мамлакатимизда муқаддас Ислам динининг соф қадрият ва арконларини эмин-эркин адо этиш учун барча зарур шароитлар яратиб берилаётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Ўз мухбиримиз.

КЎНГИЛЛАР БИРЛАШДИ, ЙЎЛЛАР БИРЛАШДИ

"Эсон-омон бориб келарми-канман?" деган ҳадиқ хаёлимдан кетмасди. Мана, бўлар экан-ку! 2017 йил ота юртимга кенг, раво, тўсиқларсиз, таъқиқларсиз йўл очилган йил сифатида хотирамда қолади.

Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табрикларидаги: "Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва

элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади", деган гапларини эшитиб, яқин қўшиллар билан Ўзбекистонимиз ўртасидаги меҳр-оқибат, борди-келди, куда-андачилик бундан-да ривож топишига астойдил ишондим.

Меҳмон ИСЛОМҚУЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Тошкент тумани.

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

ХУШ КЎРДИК, ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛИ!

2017 йил корхонамиз учун ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди. Ўтган йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожлантириш дастури ижроси доирасида бўлиб ўтган тендерда голиб чиқиб, халқаро даражадаги келишувга эришдик. Италия, Германия, Россия, Хитой сингари давлатларга ўзимиз ишлаб чиқарган глобусларни экспорт қилишни бошладик.

Янги – 2018 йилнинг Фаол тадбир-

корлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб номланиши қувончимизни икки қарра оширди. Жамоамиз аъзолари: "Бизнинг йил бўлибди", "Ишлайман, деган тадбиркорларга янада кенг имкониятлар берадиган йил бўлади!" деган хитоблар билан бир-бирларини самимий табриклашди.

Бундай имкониятлардан оқилонга фойдаланиб, корхонамизни, шу билан

ЯНГИЛАНИШ КИРМАГАН СОҲА ҚОЛМАДИ

Тенгқурларимиз билан, "Ўтган 2017 йилда қайси соҳаларга эътибор қаратилмади?" деган савол атрофида тортишиб қолдик. Узоқ давом этган мунозарамиз битта жавоб билан якун топди: "Бугун янгилашни нафаси кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмабди! Ҳамма соҳаларда ислоҳот – тараққиёт!" Айниқса, Президентимизнинг "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниши биз, кексалар учун нур устига аъло нур бўлди.

Президентимизнинг Янги йил табрикларида: "Халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даражасини оширишга алоҳида аҳамият берамиз", деб таъкидлаб ўтилди. Бу дегани, 2018 йил ҳамма соҳаларнинг тараққиётида, айниқса, халқимизнинг турмуш даражаси ошишида муҳим йил сифатида тарих зарварақларига муҳрланиши, шубҳасиз.

Асад АСИЛОВ, меҳнат фахрийси, Бўстонлик тумани. Саид МУҚИМОВ ёзиб олди.

ИККИ ХАЛҚНИ БОҒЛОВЧИ РИШТА

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Тошкент" автовокзалидан "Тошкент – Чимкент – Тошкент" халқаро

◀◀ Бошланғич 1-бетда.

йўналишининг очирилиши ижтимоий-иқтисодий ва туризм соҳаси ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

... 5 январь. Ўзбекистонлик

жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўтирган автобус Тошкент вақти билан соат 8:00 да пойтахтимизнинг

"Тошкент" автовокзалидан йўлга чиқди. Автобус Ўзбекистоннинг "Фиш кўприк" ва Қозоғистоннинг "Илак йўли" чегара назорати постидан ўтиб, Чимкент шаҳри сари илдамлади. Умумий масофа – 145,2 километри белгиланган вақтда босиб ўтган автобус соат 11:30 да Чимкент шаҳри автовокзалда тўхтади.

Бу ерда Чимкент шаҳри жамоатчилиги меҳмонларни тантанали кутиб олди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда ва бу борадаги эзгу ишлар янада кенг миқёсда давом этаётди. Хусусан, 2018 йил Қозоғистонда "Ўзбекистон йили", деб эълон қилингани ҳам ўзаро дўстона муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистонлик илк йўловчилар Чимкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

– Халқаро автобус йўналишининг очилгани ҳар икки давлатнинг иқтисодий раванки, хусусан, сайёҳлик соҳасидаги ривожланишида муҳим омил бўлади, – дейди туристик бизнес вакили Иброҳим Нурматов. – Мен ўз фаолиятимдан келиб чиққан ҳолда сайёҳларга ушбу йўналиш автобуслари хизматидан фойдаланишни тавсия қиламан. Мана, ўзим шахсан гувоҳ бўлганимдек, йўналишга ҳар томонлама хавфсиз ва қулай замонавий транспорт воситалари қўйилган экан.

Дарҳақиқат, халқаро йўналишга 49 ўринли, барча қулайликларга эга "MAN" русумли автобуслар қўйилди.

...Шу куннинг ўзиде Чимкентдан Тошкентга қараб навбатдаги автобус йўл олди. Унда ташриф буюрган Қозоғистонлик меҳмонлар "Тошкент" автовокзалда катта тантана билан кутиб олинди. Меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор маскани – Муқаддас майдонини томоша қилиб, янги очилган "Akfa Medline" тиббиёт маркази фаолияти билан танишишди.

Ҳа, янги очилган халқаро автобус йўналиши, энг аввало, икки қардош халқ манфаатига хизмат қилади. Шу йилнинг 8 январидан бошлаб, "Тошкент – Чимкент – Тошкент" йўналишида Ўзбекистон ва Қозоғистон томонидан 5 тадан, жами 10 та автобус мунтазам рейсларни амалга оширади. Белгиланган тартибга қўра, ҳар соатда 1 тадан автобус йўлга чиқади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Аваз ИСРОИЛОВ.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни олдидан

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ёшларимизни Ватанга муҳаббат руҳида, эл-юрт хизматига доимо шай қилиб тарбиялашда муҳофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ҳиссаси катта. Ушбу ташкилот-

нинг Бекобод шаҳар ўқув спорт-техника клубида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, турли танлов ва мусобақалар ёшларни ҳар томонлама чиқаришда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

Зулайхо Эркаева ва Жавлон Турабоевлар етакчилигида ташкил қилинаётган беллашулар ёшларни тобламоқда, ҳарбий соҳага бўлган қизиқишини ошираётир. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган "Уч авлод учрашуви" кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Унда иштирок этган фахрийлар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган

Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, чақирувга тайёргарлик, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари, ёшларга берилаётган имконият ва имтиёзлар хусусида сўз юритди. Президентимиз Мурожаатномасини диққат-эътибор билан

тингладик ва ўзимизга зарур хулосалар чиқардик, — дейди "Ватанпарвар" ташкилотининг кенг қўламли ислохотлар, чақирувга тайёргарлик, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари, ёшларга берилаётган имконият ва имтиёзлар хусусида сўз юритди. Президентимиз Мурожаатномасини диққат-эътибор билан

МАМЛАКАТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Ҳадемай халқимиз тинчлиги, Ватанимиз осойишталигининг мустаҳкам таянчи бўлган Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкилотининг 26 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан жойларда маънавий-маърифий тадбирлар тобора қизғин тус олмақда.



Янгийўл туманидаги ҳарбий қисмда вилоят ва туман ҳокимлиги, маънавият-тарғибот маркази, миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинлари ходимлари иштирокида ўтган учрашув Ватан ҳимоячиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Унда сўзга чиққанлар ёшларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишишлари оммавий маданият, ёт ғоялар таъсиридан доимий огоҳлик зарурлиги, мустақил Ўзбекистонимиз сарҳадларини мустаҳкам ҳимоя қилиш йиғитлик шаънининг энг муҳим

белгиси эканини таъкидладилар. Иштирокчилар ёзувчи ва шoirлар, эстрада ва театр санъати вакиллари билан мулоқот қилишди. **С. ЭШМАТОВА,** Қобилжон ҒОҒУРОВА олган сурат.

Эътибор

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Бўка тумани бўлини маси, туман ҳокимлиги сай-ҳаракати билан ташкил этилган тадбирга юз нафардан зиёд ногиронлиги бўлган болалар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

БЎКАЛИК БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Тадбирни туман ҳокими Нўрможон Избосаров кириш сўзи билан очиб, барчани Янги — 2018 йил билан самимий қутлади. Болажонларга байрам совғаларини топширди.

Ўзига хос тарзда ташкил этилган байрам саҳнасида эртак қаҳрамонларнинг чиқишлари, Қорбобо, Қорқиз ва ялмоғиз иштирокидаги аjoyиб томошалар, қўғирчоқ театри

Давра суҳбати

Ўрта Чирчиқда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тўй ва турли маросимлардаги дабдабозликнинг олдини олиш, оилалардаги нотинчликларга сабаб бўлаётган омиллари аниқлаш ва бартараф этишда жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадларига қаратилган давра суҳбати ўтказилди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Унда вилоят, барча шаҳар ва туман маҳаллалар кенгашиларининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари ва бош мутахассислари, адлия бошқармасининг ҳудудий вакиллари, имом-хатиблар, тиббиёт ходимлари, ҳудудий маънавият ва маърифат марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда оилавий ажримларнинг олдини олишда фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси ва "Қайноналар кенгаши" тузилмасининг ўрни, жамоатчилик назорати ва таъсири, никоҳланувчиларнинг тиббий кўрик, никоҳ тушунчаси ҳамда оилادا эр ва хотиннинг бурчи, масъулияти ва вазифалари, шунингдек, маросимларда дабдабозликка йўл қўймаслик каби мавзуларда ўзаро фикр алмашилди.

Давра суҳбати якунида қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.



2018 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна давом этмоқда!

ҲУНАРМАНДНИНГ ДАВРИ КЕЛДИ



"Хунарманд" уюшмаси аъзоси Камолитдин Раҳматуллаев ҳам соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устозлардан. — Бу касб менга ота мерос, — дейди зангиоталик К. Раҳматуллаев. — Болалигимдан падари бузрукворим, Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаевдан ёғочга нақш беришнинг нозик сирларини ўргана бошладим. Илк марта мустақил равишда китоб учун мўъжазгина лавҳ ясаганимда ҳаяжонимни яширолмаганман. Шундан буён бу касб ҳаётимнинг мазмунига айланган. Президентимиз

томонидан мазкур соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик хунармандларимизни янги-ча руҳ, ғайрат-шижоат билан ишлашга ундамоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг яқинда қабул қилинган Фармонига мувофиқ, "Хунарманд" уюшмасининг аъзолари хунармандчилик фаолияти маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиши, шу жумладан, банк хи-

матимиз раҳбарининг хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид Фармони халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъати равнақ топишини таъминлаш, ушбу фаолият билан шугullanувчи фуқароларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасидаги ишларни янги bosқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Имконият

соб рақамидаги маблағини нақд шаклда олиш ҳуқуқи берилди. Бундай имконият ва имтиёзлар соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Уста айтганидек, ёғочга ишлов бериш жараёни инсондан сабр-тоқат, кунт ва нозик дид талаб этади. Машаққат билан яратилаётган санъат асарини салгина қалтис ҳаракат туфайли зарар қўриши мумкин. Мўъжазгина устахонада Камолитдин Раҳматуллаев ва унинг шогирдлари томонидан тайёрланган турли ўлчамадаги лавҳлар, безакли қўтичалар, қаламдон, нақшинкор уй-рўзгор буюмлари, устун, кўп қиррали курсилар, ўйма эшик, дарвоза ва бошқа хунармандчилик намуналаридан ўзбек халқ амалий санъати қанчалик бетакрорлигига ғувоҳ бўласиз. Уларга туширилган кўёш, кўҳна қадамжолар, қушлар, жониворлар, гулларнинг нақшларини кузатар экансиз, қал-

бингизда халқимизнинг бой тарихи, урф-одатлари, маданияти ва қадриятларидан фахрлиниш ҳисси жўш уради.

К. Раҳматуллаев республикамиз ва қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда совринли ўринларни эгаллаган. "Ташаббус — 2017" кўрик-танловининг вилоят bosқичида "Йилнинг энг яхши хунарманди" йўналиши бўйича голиб, деб топилди. Таъкидлаш жоиз, қаҳрамонимиз юртимиздаги қўллаб-қувватлаш бино ва ишшоотлар қурилишида иштирок этган. Асарлари бир қанча хорижий давлатлар, жумладан, Россия, Германия, Япония ва Қозғистонда ўтган кўргазмаларда намойиш этилган.

Халқимизнинг бетакрор санъатини янада юксалтириш, авлодларга мерос сифатида етказишни мақсад қилган уста "устоз-шоғирд" анъанаси асосида ўз хуна-

ри сир-асорларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

— Бугун хунар эгаллайман, аждодларим йўлини давом эттираман, деган ёшларга барча имконият яратилган, — дейди уста. — Ҳар бир истеъдод эгасининг фаолияти, ижоди қўллаб-қувватланмоқда. Киши қайси касбни танламасин, албатта, унинг ўзига яраша машаққатли ва завқли томонлари бўлади. Буни хунармандчиликда ҳам кўриш мумкин. Шоғирдларим билан суҳбатлашар эканман, уларга, аввало, ишга масъулият билан ёндашишни уқтираман. Ҳар бири ўз услуби ва йўналишига эга бўлишини истайман. Устахонамизга мактаб ўқувчиларининг қатнаши азалий қадриятларимиз, хунармандчилик анъаналари бардавомлигини билдиради.

Юлдахон МУҲИДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.



саҳнаси, қувноқ хангомалар болажонларга олам-олам завқ улашди. Туман маданият уйи санъаткорларининг дилрабо қўшиқлари барчани рақсга қорлади.

— Туманимизда байрам тадбирлари давом этмоқда, — дейди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Бўка тумани бўлини маси раҳбари Умида Йўлдошева. — Бу борада бизга моддий кўмак берган ташкилотларга миннатдорчилик билдирамиз. Мурғак дилларга оз бўлса-да, хурсандчилик улаша олганимиздан мамнунмиз.

Б. АШУРОВ.

Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Вилоят ички ишлар органлари томонидан жойларда жамоат тартиб-ини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасаларида учрашув ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент тумани ҳокимлиги ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Қашқарлик" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган муҳокама йиғилишида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилганда зудлик билан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбир доирасида фуқароларнинг ноқонуний равишда чет элга чиқиб кетишининг олдини олиш, жамоат тар-

тибни сақлаш учун маҳалла кўчалари, мавжуд савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига кузатув камералари ўрнатиш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Худудда хизмат қилаётган профилактика инспекторларига маҳаллаларда вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар билан учрашиб, тушунтириш ишлари олиб бориш масалаларини тизимли йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Оҳангарон шаҳри ва Оққўрғон туманида "Умуқтаълим мактабларида

маънавий-маърифий тадбирлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш омиллари" мавзусида ўтказилган тадбирларда ҳам вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан фикр алмашилди. Бу борада таълим муассасаларида фаолият юритаётган тўғарақлар самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш муҳимлиги белгилаб олинди.

Айни пайтда вилоятда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан мунтазам равишда "Тозалаш-Антитеррор", "Паспорт-виза" ва бошқа муҳим тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

МАНЗИЛГА БЕХАТАР ЕТАЙ ДЕСАНГИЗ...

Маълумотларга қараганда, ўтган йил давомида йўлларда 3,5 миллиондан зиёд қондабузарлик аниқланган. Энг ёмони, бу рақамнинг ярмидан кўпи қўпол қондабузарликни ташкил этган. Жумладан, 61 минг ҳайдовчи рулга маст ҳолда ўтирган ва улар содир этган йўл-транспорт ҳодисаларида 2,2 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган. Ўз навбатида, пиёдалар томонидан содир этилган қондабузарликлар кўпайгани ҳам бор гап.

Ҳақиқатан, кундалик ҳаётда белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган, катта тезликда келаётган автомобиллар оқими олдидан югу-



риб ўтаётган фуқароларга тез-тез кўзимиз тушади. Улар, энг аввало, ўз ҳаёти ва саломатлигини гаровга қўяётганини ҳис қилиш қийин эмас.

Шундай экан, ҳар қандай манзилга соғ-саломат етиб олиши учун йўл қоидаларига тўлиқ риоя қилиши шарт. Халқимиз бежизга "Йўл қоида-

Автомобиль йўллари ўта муҳим ва мураккаб тармоқдир. Албатта, замонавий транспорт воситалари оқими кундан кунга кўпаяётган бугунги кунда йўл қоидаларига амал қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бироқ, ҳайдовчи ва йўловчилар орасида қондан билиб-билмай бузаётганларнинг борлиги дилни хира қилади.

си — умр фойдаси". демайди. Зеро, фарзандларимиз йўлда қандай юришни бизга қараб ўрганади, биздан ўрнак олади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида шу йилдан эътиборан, ички ишлар органлари йўл-патруль ва пост-патруль хиз-

матлари инспекторлари ўз вазифасини бажариш, айниқса, фуқаролар билан мулоқот жараёнини қайд этиш имконини берадиган видеокамералар билан таъминланади. Айни пайтда мазкур лойиҳани амалга таъбиқ этиш учун масъул махсус комиссия қизғин иш олиб бормоқда.

З. ХУҲАЕВ.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти "Ўза уруғчилиги" бирлашмаси 2018 йил ҳосили учун уруғлик пахта етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари ўртасида тендер ўтказишини эълон қилади. Тендерда иштирок этиш истагини билдирган фермер хўжаликлари раҳбарларининг аризалари вилоят "Ўза уруғчилиги" бирлашмаси биносидан 2018 йил 6 январдан 7 февралга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Қирсадак ҚФЙ, "Мустақил Ўзбекистоннинг 5 йиллиги номли Янгийўл пахта тозалаш заводи" МЧЖ. Мўлжал: собик Янгийўл пахта тозалаш заводи биноси.

Мурожаат учун тел./факс: (+99893) 574-19-63, (+99897) 420-19-63.

МЧЖ "Оққўрғон автобус-такси саройи"нинг номи корхона ягона таъсисчисининг қарорига асосан, МЧЖ "Оққўрғон автобус-такси саройи"нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган "Ниғина-Авто" деб ўзгартирилади.

Даъво ва аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Ҳ. Олимжон ф/у (АТП). Телефон: (+99890) 167-22-62.

Тошкент вилояти ҳокимлиги вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зарифа Эралиевага волидаи муҳтарамаси

АДАШОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ёшларни яраштириш учун куюниб сўзлаётган кексалару, кўзларида илтижо, шу билан бирга меҳрсизлик оқибатида юраклари ҳадик ва нафратга тўлган зурриётлар... Уйга қайтаётганида эса, автобусдаги воқеани эслаб баттар эзилди...

...70 ёшлар чамасидаги икки онахоннинг бири-бирига навбат бермай сўзлашлари нафақат Тошбувини, балки уларнинг ён-атрофидаги ёшу қарининг ҳам диққатини тортган эди.

– Опоқи, яхши юриб-сизми, неварангиз катта келин бўлиб, ўрганиб кетдимми янги уйларга?!

– Раҳмат, айланай. Э, нимасини айтасиз, Ҳамроҳон. Лекин, бизнинг бу қилган тўйларимиз, оборган сарпо-суруқ, мебелларимиз йиғлаб турибди-да у уйларда!

– Вой, нега ундай дейсиз, икки ёшнинг бахтини берсин денг, ундан кўра... Ростдан ҳам жуда тўкиб-сочиб тўй қилдинглар, ошгаям тумонат одам келди?, деди бизникилар...

– Ҳа-да, ўзи беш юз кишига жой ҳозирлатувди ўғлим, олти юз чоғли одам келибди. Ош етмай қолиб, бошқа жойдан обкелишибди. Артистларни ҳам деган, деганларини айтибди, ўғлим, ёлғиз қизда неваранинам. Бу ёғи оруз-хавас, айланай. Эртаси кун дугоналари кўришга боришса, алоҳида жой ҳозирламай, амма, холага кўшиб куттишибди. Неварам қаттиқ хафа бўлди. Ахир, ўртоқлари казо-

қазоларнинг қизлари бўлса... Э, бўлмайдиганга ўхшайди. Неваганинамни "аллада азиз, тўрвада майиз" қилиб катта қилганмиз. Қўлини совуқ сувга урмаган. Энди бўлса, сахарлаб "сув сеп, супур" эмиш. Э, бўлмайди, агар уйга келса олиб қоламан, унақа ҳовлида яшолмайди неварам. Агар бўлак

ўринлимикан?!
– "Қарс икки кўлдан чиқади", деганлари бор гап, – дейди Урта Чирчиқ тумани "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бош мутахассиси Махфуза Халилова. – Йил давомида туманимизда 232 нафар оила ажрашиш учун ариза берган. Уларни ўрганиш даво-

Сарвиноз бир йилгача онасиникида яшайди. Сабаби – эр-хотин бир-бирини тушуниши қийин кечди. Характерлари тўғри келмабди?!
Бундай олиб қаралганда ўзига тўқ оила, ҳамма нарса етарли. Аммо, икки томон ҳам бўш келгиси йўқ. Иш судгача бориб етди. Ниҳоят, яраштириш

тушунмовчилик сабаб бир мuddат сарсон юришди. Лекин, ажрашишлари учун арзирили сабаб йўқ эди. Туман хотин-қизлар кўмитаси, "Учоқли" маҳалласи фаоллари, яраштирув комиссиясининг тушунтириш ишлари зое кетмади. Демак, бундай жанжал, келишмовчиликлар

ли билан яшашни истамётган эринг қарори ҳам бежиз эмас.

– Афсуски, бундай юзсизлик вилоятимизга, хусусан, Чиноз тумани аҳолиси шаънига ҳам яхши бўлмади, – дейди кекса педагог Маъмура Курбонова. – Айтишларича, маҳалладагилар қайнота бўлиш ҳақида ижобий фикрларни айтишган. Бир томондан, шундай бўлган тақдирда ҳам уни телевидениега олиб чиқиш тўғримикин?!

– Аслида оиладаги икир-чикирларни кўчага чиқаришдан истиҳола қиладиган, "тўрт девор" ичидаги воқеаларни имкон даражасида ўзаро ҳал этадиган ориятли халқимиз, – дейди яна бир суҳбатдошимиз Дилором Тошматова. – Тўғри, баъзан ўзгаларнинг аралашувисиз ҳал қилиниши қийин бўлган муаммолар ҳолатлар ҳам учрайди. Бу ўринда оила маънавияти нечоғлиқ зарур жиҳат эканини таъкидлаш шарт эмас. "Яхши ота-она фарзанд бахти", деб ҳам бежиз айтилмаган. Яхши ота-оналар ўғил-қизларига ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларида учрайдиган мушкулларни сабр-қаноат билан енгишга, таъбир жоиз бўлса, "сув келса симириб, тош келса кемириб" яшашга ўргатади. Ана шундагина "Оила" аталмиш муқаддас даргоҳ завоқ топмайди, фарзандлар ота-она меҳридан мосуво ўсмайди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ТАСВИРЛАРГА КЎЧГАН ТҮЙГУЛАР

Ўзбекистон Бадний академиясининг Марказий кўргазмалар залида XXXII "Табиат ва расом" деб номланган навбатдаги кўргазма очилди. Унда республикамиз ҳамда дунёнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган юртимиз расомларининг 400 дан ортиқ асарлари ўрин олган.

Кўргазма

Кўргазма доирасида Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ландшафт ва интерьер дизайни кафедраси талабаларининг инсталляция, графика йўналишидаги ўзига хос гоёларни ичига олган лойиҳалари ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган.

Намоиш этилаётган асарлар она табиатнинг турли кўринишлари, фантазия ва бошқа усуллардан фойдаланиб яратилган декоратив характерга эга композициялардан иборат. Вернисаждан "Тошкентдаги ойдин кеча", "Биринчор", "Тог ёнбағирларида", "Эрта баҳор", "Баҳорни соғинган куз", "Қўл соҳилида", "Тогларда оқшом", "Қиш", шунингдек, вилоятимизнинг турли ҳудудлари акс этган "Чимён. Сентябрдаги биринчи қор", "Фазалкентда баҳор", "Кузги

Хожикент", "Тунги Чирчиқ", "Чимёнда куз", "Чимёнда баҳор", "Чорвоқда баҳор", "Чорвоқ сув омбори", "Чорвоқ манзараси", "Оқтошдаги қишлоқ", "Оқтош сойи", "Оқтош булутлари", "Оқтош тоғларида", "Оқтош қиялиги", "Сўқоқ", "Сўқоқда куз", "Хумсон", "Бурчмулла" каби ўттизлаан ортиқ асарлар ўрин олган. Уларда расомлар нафақат устозлар аъналарини давомийлигини, шу билан бирга йил фасллари, кеча ва кундуз ҳамда об-ҳавонинг ўзгариши ва бошқа омилларнинг таъсирига қарама-қарши ҳаётнинг турли кўринишда бўлган табиат гўзалликларининг янги қиырларини, умуман, ҳаёт фалсафасини тасвирлашга ҳаракат қилишган.

Кўргазма 10 январьгача давом этади.
Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

«АЖРАЛИШ» КҮЙИНИ ЧАЛАЁТГАН КИМ?

Тошбуви дафъатан кулоғига чалинган ширални овоздан, қўшқдаги маъсум ёшларидан чуқур энтикиб қўйди. Ҳозиргина маҳалла фаоллари йиғилиши, яраштирув комиссияси яшида қатнашиб ганглик эгаллаган қўнгли бир оз юмшаб, мижжалари ёшланди. Худбинлиги туфайли уч фарзанди ҳам кўзига кўринмаётган ёшларна жувои, "сеп эмас, мени!" деб ўз сўзида туриб олган каламиди қайнона, уларни келиштирولмай, на ўғил, на эр, на оталикни ўрнига қўймайдиган ишод куёв...



Оила ва жамият

чиқариб қўйса, "яшайсан", демокчиман...

Ана, сизга етмиш ёшли онахоннинг фикри. Орқадаги ўриндиқларда ўтирган ёш-ёш қизлар эса унинг гапларини жимгина эшитиб келишяпти... Ўзаро кўз уриштириб олишларига қараганда онахоннинг гаплари уларга ҳам ёқиб тушдиёв...

Демак, ҳозирги кунда кўпайиб қолган оилавий ажримларга фақат ёшларни "айбдор" дейиш

мида, баъзиларида айтишга арзиғулик сабаб ҳам йўқлиги кишини уйга толдиради. Шукрки, ўтган йилнинг сўнги ойда ўн етти нафар ажрашиш арафасида турган оила қайта тикланди. Янги йилни ахир-тоғуликда, фарзандлари билан кутиб олишди...

Суҳроб ва Сарвиноз Бахромовлар шулар жумласидан. Уларнинг ширингина оиласи, бир фарзанди бор. Лекин,

комиссиясининг аралашуви билан, оила қайта тикланди. Шукр Раҳматов ҳам аёли Хуррият Дадаева билан сан-манга қайтиб, келишолмай бир мuddат алоҳида яшашди. Аммо, тез орада ҳар иккаласи ҳам хатоларини тушуниб етди, шекилли, оила аталмиш муқаддас қўрғонга хиёнат қилинмади.

Ҳажонгир ва Феруза Узоқовларнинг ҳам ширингина оиласи, бир фарзанди бор. Лекин,

ни ўзаро ҳал қилиш ҳам мумкин.

Вилоятимизда шундай арзимас сабабларни рўқач қилиб, ажрашишга ариза бераётганлар афсуски, оз эмас. Яқинда келинига ошиқ бўлган бир қайнота ҳақидаги гап-сўзлар "Учбурчак" кўрсатувидан сўнг элга дастурхон, ғийбатга суяги йўқларга эса зўр ҳангома бўлди. Нафақат қайнотаси, балки йўлдошининг обрўсига пугур етказган ке-



FACEBOOK ЭНДИ ОДАМ ТАНИЙДИ

Бугунги кунда кўпчиликнинг кундалик ҳамроҳига айланган "Facebook" ижтимоий тармоғи ишлаб чиқарувчилари ажойиб янгиликка қўл урди. Улар юзларни фарқлаш дастурини ишга туширишди. Тизим ҳар бир юкланаётган янги фотосурат ҳақида барча фойдаланувчиларга хабарнома юборади. Бу орқали сурати жойланган одамлар таниб олинади. Бироқ, чекланган фойдаланувчилар кўриши мумкин бўлган фото эътиборга олинмайди.

Мутахассисларнинг айтишича, бу гоё биринчи навбатда ўз профилига бошқа одамлар фотосуратини қўядиганлар билан курашишга қаратилган. Бундан ташқари, дастур суратларни таърифлашга ёрдам беради. Тизим томонидан товуш орқали тақдим этилувчи маълумотлар кўзи оғиз фойдаланувчиларга мўлжалланган.

"Facebook" ижтимоий тармоғи юзларни фарқлаш дастури ҳозиргача бўлган синовлардан муваффақиятли ўтди.

ЭНГ КУЧЛИ МАГНИТ

АҚШдаги Юкори магнит майдони миллий лабораторияси олимлари тарихдаги энг кучли ўта юкори ўтказувчан магнит яратишни удалади ва бу жаҳоннинг янги рекорди сифатида қайд этилди.

Маълумотларга кўра, магнит аввалги рекордчидан 33 фоизга, шунингдек, оддий музлаткидаги магнитдан уч минг марта кучли. Ишланма сўнги 40 йил ичидаги соҳада амалга оширилган энг аҳамиятли иш ҳисобланади.

Паст ва юкори ҳароратли ўтказгичлар комбинациясидан тайёрланган магнитга "32Т" номи берилди. Дунё олимлари жорий йилдан эътиборан ушбу ишланмадан амалиётда кенг фойдаланиши кутилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ФАКТ: КИТОБХОНГА ТАОМ КЎПРОҚ ЮҚАДИ

Донм китобга ошно инсон ҳатто кексайганда ҳам мантқиқий фикрларни қобилиятини йўқотмайди. Ёзма ва оғзаки нутқнинг равои ва чиройли бўлиши ҳам мунтазам китоб ўқишга боғлиқ. Биз шу каби маълумотларни жуда кўп ўқиганмиз. Аммо, китоб мутлоаси борасида янада қизиқарли фактлар ҳам бор экан.

Мутлоа

Китоб саҳифалардан, саҳифа эса қаторлардан иборат. Мутлоаани ҳам айнан қаторлардан бошлашимиз. Аввал биринчиси, кейин иккинчиси, учинчиси... Аммо америкалик ихтирочи Томас Эдисон матннинг 2-3 қаторини бирваракайига ўқий олган. Ва бир саҳифага яқин матн сўзма-сўз ёдида қолган.

Одатда бирон матни яхшироқ тушуниш учун уни ҳижжалаб ўқиймиз. Аммо, бу усул билан кўзни толиқтириб қўйиш мумкин экан. Яъни кўз тез ўқиганда эмас, балки секин ўқиганда толиққади, демоқда бугун дунё олимлари.

Танишингиз сиздан китоб сўради. Бердингиз. У эса ҳадеганда қайтармаяпти.

Баҳонаси ҳам тайёр: ҳали ўқиб тугатгани йўқ. Ундан хафа бўлишга шошилманг. Ҳамма ҳам тез ўқий олмайди. Маълум бўлишича инсонларнинг фақат 5 фоизига бу қобилиятга эга.

Француз адаби Бальзак нафақат ўз асарлари билан, балки мутлоаа тезлиги билан ҳам тарихда қолган. У ярим соатда исталган романнинг 200 саҳифасини ўқиб ташлаган. Рус ёзувчиси Максим Горький эса бир дақиқада 4 мингта сўз ўқий олган.

Харфни кўзимиз танимайди. Ҳамма гап мияда. Мутлоаа жараёнида кўз харфлар шаклинигина мияга жўнатади, мия эса бу шакллари аниқлаштириб, сўнг бирлаштиради. Натижада биз-



га таниш сўз ҳосил бўлади.

Ашаддий китобхондан моҳир изқувар чиқиши мумкин, деса ишонаверинг. Гап шундаки бундайларда тева-рак-атрофни кузатиш қобилияти бошқаларга қараганда кучлироқ бўлади. Мисол учун, улар бир вақтнинг ўзида турли телеканаллардаги кўрсатувларни томоша қилиб, сизга уларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб бериши мумкин.

Урта даражали китобхон матни сўзлар билан ўқиса,

ашаддийи саҳифани жумлалар билан мутлоаа қилади.

Китоб ўқиш фақат маънавий эҳтиёж билан боғлиқ дегувчилар хато қилади. Дунё олимларининг янги тадқиқотлари кўра унинг моддий эҳтиёжга ҳам боғлиқ жиҳатлари бор. Яъни, китобхон инсонга таом кўпроқ юқар экан.

Малоҳат ҲУСАНОВА, ЎЗА муҳбири, Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

«РАДДИЯ ТАЛАБ ҚИЛАМАН»

биттасидан ҳам хабар олмайди", дебди. Бекор гап. Биринчидан, беш марта эмас, тўрт марта. Иккинчидан, бор-йўғи учта хотиндан фарзанд кўрганман, холос. Иккитаси шу ишни ҳам тузикроқ эп-лай олмаган. "Ичиб маст бўлиб, қўшнича Тўланбойнинг бошига устма-уст мушт солди, олти-тишини синдирди", дегани ҳам ғирт ёлғон. Билмасан, нима қилади, ёзиб? Боксёр бўлсам-ки, устма-уст мушт туширсам. Бунақа усулни билмайман. Мўлжаллаб туриб, битта солганман,

шилқ этиб тушган. Вассалом! Иннайкейин, олтига эмас, атиги тўртта тиши кетган, холос.

Бу ҳам майли, аммо охириги гапи нақд у ёғ-бу ёғимдан ўтиб кетди: "Халиям тавбасига таянмай, қўшнисига тиш қайраб юрибди...". Фаросати борми ўзи, тўрт мучам соғ, мушларим, оёқларим омон бўлса, тишимни қайраб нима қиламан? Нима, мен уни емоқчимидим?

Хуллас, шу тўғрида кичикроқ раддия эълон қилиб, бу бемаза муҳбирни тартибга чақирингизни илтимос қиламан. Ё бўлмаса, ўша ёлғончининг уй-манзини ёзиб беринглар, иссиғида ўзим гаплашиб қўя қолай.

Шу бола билан бир гаплашгим келяпти-да...

Расом табассуми



Аҳмад ОҒА. Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган расм.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</p>	<p>Манзилымы: 100000, Тошкент шаҳри, Маъбуотчилар кўчаси, 32.</p> <p>Электрон почта: thaqiqat@uamail.uz</p>	<p>Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:</p>	<p>Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-12-83 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10</p>	<p>Тошкент вилояти Маъбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таърифи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Масъул котиб Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ Назоратчи мусахҳх Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХҲҲАЕВ</p>
	<p>Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-839. Адади 16 239. Баҳоси келишилган нарҳда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. ISSN 2010-9318.</p>					